# ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

(Боши 1-бетда).

Иккинчидан, областда ҳали қолоқ коллективлар кўплигини ҳисобга олиб, айни шу жойларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини тайёрлаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Сир эмас, бир қатор техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қолоқлик айрим объектив сабаблар туфайли юз берди. Лекин айрим ношуд раҳбарлар камчиликларни фақат ана шу сабабларга йўйиб, бу билан масъулиятдан қочишларига йўл қўймаслик керак. Партия комитетлари ва партия бюроларига, коммунистларга қолоқликнинг туб сабабларини очиб ташлаш, резервларни аниқлашга ёрдам қилиш ва шу позицияларда туриб, масъулиятдан бўйин товлашга уриниш ҳолларига қатъий сиёсий баҳо бериш керак. Буни, ана шундай ёрдамни область партия комитети, шаҳар, район партия комитетларининг тармоқ бўлимлари ходимлари, область ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари коммунистлари билан биргаликда кўрсатишлари керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида бўладиган гапларга тайёрланишга жиддий муносабатда бўлиш камчиликлар, хатоларни ҳар томонлама аниқлашга, уларни бартараф этиш йўлларини белгилашга ёрдам беради. Бунинг натижасида йил охиригача ҳар бир коллективда, умуман, ҳар бир тармоқда аҳволни ўнглаб, бўлажак ўн иккинчи беш йилликда бир маромда ишлаш учун мустаҳкам асос яратиш мумкин бўлади.

Шуни назарда тутиш кераки, партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида бўладиган гаплар район, шаҳар ва область ҳисобот-сайлов партия конференцияларида ривожлантирилиши керак.

Шунинг учун йиғилишларда қандай масалалар кўтарилганлиги, коммунистлар ўз раҳбарларига ва партия ташкилотлари адресига ҳамда юқори партия, совет, хўжалик органлари шаънига қандай таклифлар айтганликлари тўғрисида ҳар томонлама маълумотга эга бўлиш ниҳоятда муҳимдир.

Афсуски, ҳисобот-сайлов йиғилишларида қатнашган ходимлардан область партия комитети, шунингдек, шаҳар, район партия комитетлари ҳам бундай ахбoротлар олмайдилар, ҳисоб. Ҳаммага маълумки, область партия комитетида ходимларнинг бундай тадбирларда иштирок этганлиги тўғрисида маълумот беришнинг муайян формаси мавжуд. Ўтган йили тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, улар аслини олганда ҳеч қандай конкрет фактлар бермайди.

Область ижроия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими шаҳар, район партия комитетлари тақдим қилинадиган маълумотларнинг сифати ва мукаммаллигига катта эътибор беришлари керак. Ишни шундай ташкил қилиш кераки, бу маълумотлар оператив равишда етиб келиши, аниқ бўлиши, дарҳол ишлаб чиқилиши ва зарур фойда келтириши лозим.

Сайлаб қўйиладиган активни тузиш, бошланғич, цех партия ташкилотлари ва партия группалари етакчиларини танлаш ва кўрсатиш биринчи даражадаги муҳим иш ҳисобланади. Булар ташаббускор, принципиал, дадил ва қатъий қарорга келувчи коммунистлар бўлиши, партия оммасининг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлган, маъмуриятни қўллаб-қувватлашни ҳар қандай лавозимдаги раҳбарга нисбатан юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бора оладиган кишилар бўлиши керак. Бюро ва партия комитетлари, маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссиялари составига камчиликларга нисбатан ҳақиқатан муросасиз, Устав ва партия нормалари бузилишига йўл қўядиган мансабдор шахслар билан муносабатни «бузиб қўйиш»дан қўрқмайдиган кишилар кўрсатилиши учун қайғуриш керак.

Бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группаларига секретарликка кўпроқ ёш, ғайратли, муайян мутахассисликка эга бўлган ходимларни тавсия этиш керак. Бунда кейинчалик улар партия комитетлари аппаратларига, совет ва хўжалик органларига ишга кўтарилиб, ишлаб чиқариш раҳбарлари бўлиб қолиши ҳисобга олиниши керак.

Уларнинг ҳаммаси яхши ҳаёт мактабидан ўтган, тегишли маълумот, юксак обрўга эга бўлишлари лозим.

Партия ташкилотлари партбюро секретарлари ва партия группалари ташкилотчиларининг социал ва миллий составига, хотин-қизларни жалб этишга ҳам эътибор билан чуқур ёндашиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми таъкидлаганидек, бошланғич партия ташкилотлари партиянинг асосий потенциали ҳисобланади, шунинг учун уларга ишда ишни кучайтиришда, мураккаб вазифаларни дадил ҳал этишда, талабчанликни, принципиалликни оширишда, ходимлардан топширилган иш учун талабни кучайтиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш муҳимдир.

Бу жиҳатдан областда ўтаётган бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўригидан активроқ фойдаланиш керак. Шаҳар, район партия комитетлари кўрикнинг дастлабки натижаларини ҳар томонлама таҳлил этиб умумлаштиришлари, кўрик давомида эришилган ижобий силжишларни аниқлашлари, камчиликларни очиб беришлари керак. Кўрик коллектив ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олишига, коммунистлар, барча меҳнаткашлар меҳнат ва сиёсий активлигининг ўсишига ёрдам бериши керак.

Бунда область партия комитети бўлимлари ҳам актив роль ўйнашга даъват этилганлар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик чоғида шаҳар, район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, партком ва партбюро аъзолари билан суҳбатлар ўтказиши, бошланғич партия ташкилотларида эса цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг навбатдаги муддатга тавсия этилаётган ҳамда биринчи марта сайланаётган сайлаб қўйилган активлари билан суҳбатлар ўтказиш тўғри бўлур эди.

Бу суҳбатлар чоғида активга уларнинг ташкилотларидаги партия ишининг аҳволини чуқур ва реалистик кўриб чиқишга ёрдамлашиш, мавжуд камчиликларни очиб ташлаш, бу камчиликларни тугатиш учун, умуман, КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва ундан кейинги пленумлари қарорлари асосида умуман партия сиёсий ишини янада яхшилаш учун қандай тадбирлар амалга ошириш кераклигини айтиб бериш керак.

Юқорида таъкидланганидек, район, шаҳар, область партия конференциялари ҳисобот-сайлов кампаниясининг масъулиятли қисми ҳисобланади. Улар беш йиллик якунланаётган пайтда ўтказилади. Шунинг учун иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, беш йиллик топшириқларини лозим даражада бажариш ва келажак вазифаларни белгилаш масалалари конференциялардаги докладлар ва нутқларда асосий ўринни эгаллаши керак.

Сайлаб қўйиладиган органлар составига — область, шаҳар, район партия комитетлари аъзолари, аъзоликка кандидатлари, ревизия комиссияларининг аъзолари составига алоҳида эътибор берилиши лозим. Янги состав тузилаётган вақтда биз ҳозирги мавжуд партия комитетларининг сон ва сифат составларидан мўлжал олишимиз керак. Тўғри тузилган вақтда улар сиёсий органнинг нормал ва таъсирчан ишлашини таъминлашга тамомила қодирдирлар.

Вазифа шундан иборатки, уларга ҳақиқатан ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларининг энг муносиблари, энг яхши вакиллари сайланган бўлиши керак.

Сайлаб қўйиладиган органлар состави шундай бўлиши кераки, у лозим бўлиб қолганда область, шаҳар, район партия комитетига халқ хўжалиги тармоқларининг турли участкаларини тажрибали ходимлар билан мустаҳкамлашга имкон берсин. Айни вақтда партия комитетининг состави шундай бўлиши кераки, у шаҳар ёки районда иқтисодий, маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига малакали раҳбарлик қила олсин, ижтимоий ва социал ҳаётнинг ҳамма томонларига самарали таъсир эта олсин.

Бунда сайлаб қўйиладиган актив составига коммунистларнинг бир мунча кенг доирасини жалб этиш зарурлигини назардан қочирмаслик, айни бир ходимнинг икки, баъзан уч органга сайланишидан қочиш керак. Ёш ва тажрибали ходимларнинг партия органлари ва уларнинг активлари сафидан ўрин олиши масаласига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашиш керак.

Партия ва меҳнат ветеранларига лозим даражада ўрин ажратиш зарур. Шу билан бирга сайлаб қўйиладиган органлар составига ёш, 35 ёшгача бўлган истиқболли ходимларни қатъият билан кўрсатиш лозим.

Бунда сайлаб қўйиладиган актив ҳамма категориясининг ўқишига ва зарур амалий ёрдам кўрсатишга доимий эътибор берилиши керак. Бундай кишилар билан учрашувлар ташкил этиш, комиссиялар, текширувчи группалар составларига киритиш, уларнинг ҳисоботлари ва жамоат фаолиятлари тўғрисидаги ахборотларини эшитиб бориш назарда тутилади. Шаҳар, район партия комитетлари ихтиёрида шундай хилма-хил иш форма ва методлари борки, улардан фойдаланиш сайлаб қўйиладиган активни ижодий жамоат фаолиятига тезроқ жалб этиш имконини беради.

Сайлаб қўйиладиган актив составига меҳнат коллективида, район, шаҳарда, партия, совет органларининг турли бўғинларидаги ҳамма миллат вакиллари бир мунча тўлиқ тарзда тавсия этилиши керак. Бу ерда гап процентни чиқаришдаги юзаки норма ёки арифметик ёндашишда эмас, муҳими яхши ишлаётган, бурчларини уддалаётган, ишга ижодий ёндашаётган энг муносиб истиқболли кишиларни танлаб олиш ва кўрсатишдадир.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, область, шаҳар, район партия комитетларининг сайлаб қўйиладиган органларини тузиш пайтида қуйи партия бўғинлари ва меҳнат коллективларига имкони борича кўпроқ таяниш керак. Партия комитетлари аъзолари, аъзоликка кандидатлари ёки ревизия комиссиялари аъзолари составига тавсия қилинадиган ҳар бир номзод партия йиғилишида партиясиз омманинг кенг иштироки билан ҳар томонлама муҳокама қилинишига эришиш керак. Бу ҳол ана шу муҳим ишда хатолардан ҳоли бўлишга олиб келади, илгари ана шундай камчиликларга йўл қўйилган эди.

Ҳисобот-сайлов кампанияси вақтида кадрлар резервини тузишга катта эътибор бериш талаб қилинади.

Ҳисобот-сайловларни техникавий таъминлаш, асосий ҳужжатлардан ташқари зарур бўладиган атрибутларни тайёр қилиб қўйиш, залларни жиҳозлаш, виставкалар ташкил этиш ва бошқа тадбирларнинг ҳам аҳамияти оз эмас.

Бошланғич партия ташкилотларидаги бир қатор йиғилишлар ҳамда айрим конференцияларнинг муддатларини бир мунча илгарига суриш керак, токи улар мисолида активни ўргатиш, ютуқлар ва камчиликларни таҳлил қилиш мумкин бўлсин.

Шаҳар, район партия комитетлари ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши тўғрисида мунтазам маълумот олиб туришлари, ҳисобот ва сайловлар савиясини доимо кузатиб туришлари, коммунистларнинг таклифлари юзасидан нималар қилинаётганлиги тўғрисида уларни ўз вақтида хабардор қилиб боришлари зарур.

Ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда область партия комитети, шаҳар, район партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, секретарлари, партия комитетларининг бўлим мудирлари, партия аппаратларининг барча масъул ходимлари ҳамда область совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари энг актив иштирок этишлари керак. Область совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари бир қатор сабаблар туфайли ишда қийинчилик юз берган коллективларда ва ўзларининг ёрдами зарур бўлган жойларда биринчи галда иштирок этишлари лозим.

Область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими тармоқ бўлимлари билан бирга йиғилиш ва конференцияларнинг боришини ҳар куни назорат қилиб туриши, партия ташкилотларига шаҳар, район комитетларига уларни етказишда ёрдам кўрсатиши керак.

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими йиғилиш ва конференцияларнинг кенг ошкоралигини таъминлаши, уларнинг иши область ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда мунтазам равишда доимий ёритиб борилишини кузатиши керак.

Шундан сўнг докладчи область XXII ҳисобот-сайлов партия конференциясига тайёргарлик билан боғлиқ масалаларга муфассал тўхталди.

— КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми, — деб таъкидлади докладчи, — жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини жадаллаштиришни таъминлаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсивлаштиришга эришишнинг аниқ ва конкрет вазифасини қўйди.

Партия ишида интенсивлаштириш — эски формалардан кескин қутулиш, хўжалик органлари ишини қилишдан, майда-чуйдаларга ўралиб қолишдан ҳалос бўлиш, ўзини ишчан қилиб кўрсатиш ҳолларига барҳам бериш, ўзига ва ўртоқларга нисбатан шахсий талабчанликни оширишдан иборатдир. Партия ишини интенсивлаштириш — бу аввало кадрларни тарбиялашдан иборат. Бу иш билан партия комитетларининг ҳар бир бўлимлари шуғулланишлари керак. Уларнинг вазифаси экономикадаги аҳвол учун кадрлардан хўжалик раҳбари нуқтаи назаридан туриб эмас, балки партиявий нуқтаи назардан, сиёсий позициялардан туриб талаб қилишдан иборат. Масалага ана шундай ёндашилгандагина интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш, ҳамма участкаларда самарадорлик ва иш сифатини яхшилаш мумкин бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида экономикани сифат силжишлари билан интенсив ўсиш изларига ўтказиш, халқ хўжалигидаги барча тармоқларни фан ва техниканинг олдинги марраларига олиб чиқиш вазифаси кескин қилиб қўйилганлиги ҳаммага яхши маълум. Бунга қандай қилиб ва ниманинг ҳисобига эришиш мумкинлигини ҳар ким ҳам яхши тасаввур эта оладими?

Афсуски, бу ишда ҳам биз ҳозирча умумий даъватлар ва фикр-мулоҳазалар юритиш билан чекланиб қолмоқдамиз.

Масалан, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни янгилаш, уни янги техника ва ускуналар билан жиҳозлаш борасида область партия комитетининг ҳар бир бўлими, шаҳар партия комитетлари томонидан конкрет нима ишлар қилинди? Афсуски, бунда кўпроқ баҳоналар ва айбдорларни қидиришмоқда, назарда тутилаётган натижаларга қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида камроқ конкрет таклифлар киритишяпти.

Агросаноат комплекси, капитал қурилиш, транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат, бошқа соҳаларга раҳбарлик принциплари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш гапларни айтиш мумкин.

Шунинг учун бугунги кунда область партия комитети аппарати ходимлари, шаҳар, район партия комитетлари секретарлари, бўлим мудирлари эътиборини яна бир бор шунга қаратиш кераки, аввало уларнинг ўзи тегишли участкаларидаги аҳволни чуқур таҳлил қила оладиган бўлсинлар ва бунга активни, хусусан, бошланғич партия ташкилотлари секретарларини ўргатсинлар. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда оддий ижрочилик интизомининг ўзи етарли эмас. Ҳозир билимдонлик, янгиликни сеза билиш, ташаббускорлик, дадиллик ва масъулиятни зиммасига олишга тайёр туриш, вазифани қўя билиш ва уни охиригача ҳал эта олиш, хўжаликни бошқаришнинг сиёсий моҳиятини назардан қочирмаслик ва яна бир фазилат — ишлашни ўрганиш истаги тобора аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонунининг бажарилиши, халқ хўжалигини қишки шароитда ишлашга ҳозирлаш, жамоат чорвачилиги учун ем-хашак тайёрлаш, фан-техника прогрессини жорий этиш билан боғлиқ масалалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқ тадбирлар сингари КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш давомида ва бўлажак ҳисобот-сайлов кампаниясида умумхалқ муҳокамасидан ўтиши керак.

Ҳисоботлар ва сайловларга тайёргарлик кўриш чоғида эътиборни жалб қилиш лозим бўлган асосий ҳолатлар ана шулардир.

Область партия комитетининг ҳар бир бўлими, ҳар бир секторида, шаҳар, район партия комитетларида ҳисобот ва сайловларни ўтказишнинг, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига тайёргарлик кўришнинг конкрет ва ҳар томонни қамраб олган плани ишлаб чиқилиши керак.

Бу муҳим сиёсий кампанияга ҳар бир масъул ходим ўзининг актив ҳиссасини қўшиши лозим.

Пировардида докладчи область партия комитети аппарати, шаҳар, район партия комитетлари область партия ташкилотида ҳисобот ва сайловларни юксак ташкилий ва сиёсий савияда ўтказиш, партия кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишни таъминлаш, беш йилликни муваффақиятли якунлаб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирди.

Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим шохобчаларида якунловчи машғулотлар

## ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Марксча-ленинча таълим системасида 11 ва 12 июнда ўтказиладиган якунловчи машғулотлар билан ўқув йилига якун ясалади. 23,5 мингта мактаб ва семинарда сиёсий ва иқтисодий билимларини оширган 726 минг нафар меҳнаткаш учун мазкур ўқув йили жуда самарали бўлди. Машғулотларнинг мазмуни ва йўналишига КПСС Марказий Комитети март ва апрель (1985 йил) Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар катта таъсир кўрсатди.

Область партия ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми кўрсатмаларини бажара бориб, сиёсий маориф услубини такомиллаштириш соҳасида муҳим ишларни амалга оширдилар. Асосий эътибор сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг мазмунига, унинг ғоявий ва амалий йўналишига қаратилди. Коммунистлар ва меҳнаткашларнинг ривожланган социализм назарияси ва практикаси масалаларини, КПСС тарихи, унинг иқтисодий ва социал сиёсати масалаларини ўрганишга қизиқишлари ортди. Шуни айтиш кифояки, ушбу ўқув йилида бу курсларни 435 минг нафардан кўпроқ тингловчи ўрганди. Бу сиёсий ва иқтисодий ўқув системасидаги барча тингловчиларнинг 60 процентини ташкил этади.

Якунланаётган ўқув йилида иқтисодий таълим шохобчаларида ҳам муайян ўзгаришлар бўлди. Уларда иқтисод ва тежамкорлик, хўжалик механизми ва бошқарувни такомиллаштириш масалаларини ўрганиш бўйича мактаб ва семинарлар аввалги ўқув йилига қараганда анча кўп бўлди.

Сиёсий машғулотларнинг мазмуни янада бойиди, улар конкрет социал-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилиш билан чамбарчас ҳолда олиб бориладиган бўлди. Масалан, Ҳамза райони партия ташкилотларида В. И. Ленин асарлари бўйича имтиҳонлар, Олмалиқ шаҳар партия ташкилотларида социалистик мажбуриятларни асослаш бўйича машғулотлар ўтказиш одат тусига кирмоқда. «Узбексельмаш», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз, Янгийўл шаҳридаги пойабзал фабрикаси партия ташкилотлари сиёсий ўқувнинг ҳаёт, меҳнат коллективлари ҳал этаётган вазифалар билан боғлиқ бўлишига эришмоқдалар. Бу партия ташкилотларида коммунистларнинг ўз ғоявий-назарий савияларини қандай ошираётганликлари тўғрисидаги ҳисоботлари мунтазам эшитиб турилмоқда. Мактаб ва семинарларнинг тингловчилари меҳнат коллективларидаги ғоявий-тарбиявий ва хўжалик ишининг аҳволини амалий машғулотларда таҳлил қилиб бермоқдалар.

Чирчиқ шаҳри, Коммунистик ва Тошкент районлари партия ташкилотлари марксча-ленинча таълим системасида ўтказилаётган эксперимент ўқув самара-

### ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

дорлигини янада оширишга хизмат қилиши учун зарур чораларни кўрдилар. Қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат министрликлари, «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси системасида социалистик экономика мактабларининг ташкил этилиши меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, тежамкорликни кучайтириш резервларини қидириб топишга кўмаклашди.

Ушбу ўқув йилида партия ташкилотлари пропагандист кадрлар билан ишлашга эътиборни янада кучайтирдилар. Область партия комитети сиёсий маориф уйида улар учун бир ҳафталик курс ва семинарлар ташкил этилди. Шаҳар ва район партия комитетлари, йирик партия ташкилотлари ҳузурида 70 та доимий семинар фаолият кўрсатди. Ўқув йили давомида 2 та область, 45 та шаҳар ва район илмий-амалий, методик конференциялари бўлиб ўтди. Давра суҳбатларини, партия ва иқтисодий ўқувнинг энг яхши мактаблари базасида очиқ машғулотларни ўтказиш анъанавий бўлиб қолди. Пропагандистлар фаолияти устидан назорат ҳам кучайди. Область бўйича ойига мавжуд ҳар тўртта мактаб ва семинардан биттасининг иши таҳлил қилиб чиқилди. Бунда партия комитетларининг ходимлари фаол иштирок этдилар.

Шу билан бир қаторда ўтказилган машғулотларнинг таҳлили айрим партия ташкилотларида идеологик ишнинг бу муҳим участкасидаги ўзгаришлар фақат мактаб ва семинарларни қайта комплектлаш, пропагандистлар ўрнини алмаштиришдан иборат бўлиб қолганлигини кўрсатди. Ўқувнинг мазмуни, унинг сифатида эса ўзгаришлар деярли кўзга ташланмайди. Айрим машғулотлар ҳали ҳам номигагина ўтказилади, коллектив олдида турган вазифалар билан боғланмайди. Баъзи тингловчилар сиёсий ўқув шохобчаларида кўп йил таълим олганларидан сўнг ҳам аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришга қурблари етмайди, жамоатчилик ишларида камдан-кам қатнашишади.

Якунловчи машғулотлар, суҳбатлар, имтиҳонлар топшириш, рефератларни ҳимоя қилиш ортда қолаётган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари фаолиятида янада масъулиятлироқ давр бошланади. Ўқувга якун ясаш туб моҳияти билан янги ўқув йилига тайёргарликнинг бошланишини ҳам билдиради. Коммунистлар сиёсий ўқувининг натижалари ва самарасини синчиклаб ўрганиб чиқиш, ўқув йили якунларини партия комитетлари ва бюролари мажлисларида, партия йиғилишларида, пропагандистларнинг кенгаш ва семинарларида муҳокама қилиш, тўпланган тажрибани умумлаштириш лозим.

Партия комитетлари тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий практикасидан уларнинг аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб боришда иштирок этишларини таъминлашнинг таъсирчан формаси сифатида фойдаланиб, КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларини пропаганда қилишни давом эттиришлари лозим. Пропагандистлар ва тингловчилар КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съездига тайёргарлиқ даврида лекторлар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар сифатида ғояларимиз, совет турмуш тарзи, ленинча тинчлик ва коммунистик бунёдкорлик сиёсати тўғрисидаги буюк ҳақиқатни ҳар бир киши онгига ва қалбига етказишлари керак.



◆ ЛЕНИН ордени нишондори Усмон Умаров сиёсий ўқувнинг моҳир ташкилотчиларидан биридир. У мазкур ўқув йилида Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхозда марксизм-ленинизм асослари мактабига пропагандистлик қилди. Пропагандист мактабда якунловчи машғулотларни юксак савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрган. Суратда: пропагандист У. Умаров.

В. Портнов фотоси.

## ТИНГЛОВЧИЛАР НАМУНАСИ

Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг 370 нафардан ортиқ коммунисти 17 та марксизм-ленинизм асослари мактабида сиёсий билимларини оширмоқда. Пропагандистларнинг машғулотларни юқори савияда ўтказишлари натижасида тингловчиларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ортиб боряпти. Жумладан, марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчилари В. А. Матвеев ва Б. Абдураҳимовлар бошлиқ бригадалар ишчилари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб бир ойлик хотира вахтасини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Улар бу ойлик давомида зарбдорларча меҳнат қилиб, смена топшириқларини 110-115 процент қилиб адо этдилар. Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган коммунистик шанбалик куни эса ташаббускор бригада ишчилари тежалган хом ашё, материаллар ва энергия ҳисобига меҳнат қилишди. Шу куни кунлик топшириқ 120 процент бажарилди. Ишлаб топилган маблағ Ғалаба фондига ўтказилди.

Сиёсий ўқув тингловчилари бўлган 1- ва 9-цехлар коммунистлари эса комбинатда КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан янги ташаббус бошлаб беришди. Улар партиямизнинг навбатдаги съездига ғалаба рапортига имзо чекиш ҳуқуқи учун зарбдор вахтага турдилар. Мазкур цехларнинг ташаббускор коммунистлари ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача эса 1986 йил икки ойлик планини шараф билан адо этиш учун мусобақалашмоқдалар.

Комбинат партия комитети уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бу ҳаракатга қўшилиб меҳнат коллективлари бу йил топшириққа қўшимча равишда 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан муқобил план қабул қилдилар.

## ТАШАББУСКОРЛИККА ДАЪВАТ

Коммунист, олий маълумотли мутахассис Б. Юсупов бир неча йилдан бери Оққўрғон район алоқа бўлими коммунистлари ўртасида марксизм-ленинизм асослари курси бўйича машғулотлар олиб боради. Ушбу ўқув йилида пропагандист тингловчилар диққат-эътиборини КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини чуқур ўрганишга қаратди. Сиёсий ўқув мактабида КПСС Марказий Комитети март ва апрель(1985 йил) Пленумлари якунларига бағишланган машғулотлар жуда қизиқарли ўтди.

Мактабда ўқув яхши ташкил этилганлиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам таъсир кўрсатяпти. Пропагандист Б. Юсупов раҳбарлик қилаётган «Союзпечать» район агентлиги ходимлари, жумладан, ўтган йили аҳолига 495 минг сўмлик ўрнига 524 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатдилар. Шу йилнинг тўрт ойлик плани ҳам ошириб бажарилди. Тингловчилардан А. Мирзабоев, М. Губайдуллина, М. Канзафаров, А. Алимов, С. Турсуновларнинг кўрсаткичлари айниқса юқори бўлмоқда.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

*Пропагандистлар ҳақида ҳикоялар*

## ҲАЁТ БИЛАН БОҒЛАБ

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетида пропагандистлар номзодлари муҳокама этилаётганда илмий коммунизм мактабининг «Жаҳон социалистик системасини ривожлантириш масалалари» курси бўйича машғулотларини бирлашма бош директорининг ўринбосари Содиқ Жумаевга топширишга қарор қилинган эди. Бу бежиз эмасди. С. Жумаев олий маълумотли мутахассис, ўз вақтида марксизм-ленинизм университетини тугаллаган, партия топшириқларини ташаббускорлик кўрсатиб бажараётган коммунист эди.

Бу курсдаги машғулотларга асосан цех бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари жалб қилинганди. Шунинг учун пропагандистдан юқори малака, маҳорат талаб қилинарди. С. Жумаев ўз устида муттасил иш олиб борди, моҳир пропагандистлар тажрибасидан ўрганди. Сиёсий ўқувни ишлаб чиқариш масалалари билан боғлаб олиб боришга интилди.

Бир неча йил аввал бирлашма республикамиздаги 5 та саноат корхонаси қатори кенг миқёсли экспериментда қатнашган эди. У ҳозир ҳам давом этяпти. Эксперимент ички резервлардан фойдаланиб, ишчилар сонини қисқартирган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган эди. Бунда тежалган маблағларнинг маълум қисми ишчиларга мукофот тариқасида бериларди. Бу ишчиларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилишдан манфаатдорлигини ошириарди.

Сиёсий ўқувнинг бир неча машғулоти ўтказилаётган экспериментга қаратилди. Бу машғулотлар қизғин тортишувлар, баҳслар билан ўтди. Кўпгина диққатга сазовор таклифлар ўртага ташланди. Тингловчилардан Юрий Ефимов, Саттор Мажидов, Вениамин Фельдманлар машғулотда олган билимларини цехларида амалда қўллай бошладилар. Бу ўз самарасини бера бошлади. Машғулотларда билдирилган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашди.

Пропагандист тингловчилар бир мавзуни чуқур эгаллаб олганларига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина янги мавзуни ўргатишни бошлайди. С. Жумаев тингловчиларга қайси адабиётлардан фойдаланиш, қандай масалаларга эътиборни қаратиш ловимлигини алоҳида таъкидлайди.

Машғулот тугагандан кейин ҳам тингловчилар шошилишмайди. Улар пропагандистга халқаро ҳаётга оид, ўзларини қизиқтирган бошқа саволлар билан мурожаат қилишади. Содиқ Жумаев барча саволларга батафсил жавоб беради. Шунда пропагандистнинг билими пухталиги, кундалик газета-журналлар, сиёсий адабиётлар билан чуқур танишиб бориши сезилиб туради. Машғулотларни ҳар бир тингловчининг билими, малакасини ҳисобга олган ҳолда ўтказади.

Содиқ Жумаев тингловчилар олган билимларидан амалий вазифаларни ҳал этишда фойдаланишлари учун астойдил ҳаракат қилади. Бунинг учун пропагандист уларнинг коллективларидаги аҳвол билан атрофлича танишади, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан мутахассисларнинг таклифларини ўрганади. Бирлашма кўпгина цехларида кейинги пайтларда планлар муваффақиятли бажарилаётганида сиёсий ўқув ташкилотчисининг ҳам муҳим ҳиссаси бор.

— КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари олдимизга катта ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда, — дейди пропагандист. — Сиёсий ўқув машғулотлари ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашиши керак. Сиёсий ва иқтисодий таълимнинг 24 мактаб ва семинари пропагандистлари буни ҳис этган ҳолда якунловчи машғулотларга қизғин тайёргарлик кўрдилар. Бу машғулотлар ўқув йилидаги ишимизга якун ясайди.

А. НОСИРОВА.

